А.А.ПОТЕБНЯНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

А.НУРМОНОВ

В данной статье освещаются лингвистические взгляды видного русского мыслителя-языковеда А.А.Потебни

In the present article the linguistic views of well –known Russian linguist – thinker A.A.Potebnya are considered.

Тилшунослик тарихида украин ва рус тилшуноси А.А.Потебня (1835-1891)нинг номи алоҳида ажралиб туради. Унинг бутун илмий ва меҳнат фаолияти Харьков университети билан боғланган. Чунки у шу университетда таҳсил олган ва умрининг охиригача шу университетда илмий-педагогик фаолият олиб борди.

А.А.Потебнянинг илмий фаолиятида 1862 йил муҳим аҳамиятга эга. Худди шу йили университетдаги устози П.А.Лавровский маслаҳати билан ўзи ўқиётган маърузаларни қайта ишлаган ҳолда “Халқ таълими вазирлиги журнали”да “Тафаккур ва тил” номи билан нашр қилади. Айни пайтда бу асар алоҳида китоб ҳолида ҳам босмадан чиқарилади. Мазкур асарнинг нашр қилиниши эндигина 27 баҳорни қаршилаган А.А.Потебняга катта шуҳрат келтирди. Асарда ёш олимнинг асосий назарий ғоялари баён қилинган эди. Унинг умумлингвистик қарашлари бу асардан ташқари, “Сўз санъати назарияси бўйича маърузалар”, уч жилдлик “Рус тили ва грамматикаси бўйича қайдлар” (“Из записок по русской грамматики”) (1874-1889); “Сўз санъати назарияси бўйича қайдлардан” (“Из записок по русской словесности”) (1905); “Рус тили тарихига доир” (“К истории русского языка”) (1876) сингари тадқиқотларида баён қилинган.

А.А.Потебня бундан ташқари диалектология, рус халқ оғзаки ижоди бўйича ҳам қалам тебратган. “Игорь полки ҳақида сўз”(1878), “Кичик рус ва унга қариндош халқлар қўшиқлари изоҳи”(1883-1884), “Кичик рус лаҳжаси бўйича қайдлар”(1871), “Рус тили товушлари ҳақида икки тадқиқот: 1. Тўлиқ унлилар ҳақида. 2. Рус лаҳжаларининг товуш хусусиятлари ҳақида”(1866), “Славян халқлари поэзиясидаги айрим рамзлар ҳақида”(1860), “Айрим урф-одатлар ва эътиқодларнинг афсонавий аҳамияти ҳақида”(1865), “Рус тилидаги кўплик сонининг маъноси”(1882), “Тилдаги айрим тасаввурлар алоқалари ҳақида”(1864) ва бошқалар.

Рўйхатдан кўриниб турибдики, А.А.Потебнянинг тадқиқот доираси ғоят кенг. У тил фалсафаси, тилшунослик назарияси, рус ва бошқа славян тиллари фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, диалектологияси, фольклори, ҳинд-оврупо (айниқса славян) тилларининг қиёсий-тарихий грамматикаси масалалари билан шуғулланди. Шунингдек, поэтика, бадиий асар тили, тил ва сўз санъати муносабати муаммолари унинг диққатини жалб этди. Шуни таъкидлаш керакки, у биринчилардан бўлиб семиология муаммоларини тилшунослик нуқтаи назаридан ва унинг методлари асосида ўрганишни бошлаб берди.

А.А.Потебня фалсафий қарашларининг шаклланишида немис классик фалсафаси, хусусан, И.Кант, Г.Гегель асарларида олға сурилган ғоялар катта хизмат қилди. Бу файласуфларнинг асарларига қизиқишнинг ортишида В.Гумбольдтнинг таъсири катта бўлди. Чунки А.А.Потебня В.Гумбольдтнинг тил фалсафаси ҳақидаги ғоялари, санъат ва фан инсон онги ҳодисалари эканлиги ва уларнинг тил билан алоқаси тўғрисидаги назариясидан таъсирланган ҳолда фан оламига кириб келди.

Гарчи А.А.Потебнянинг илмий фаолияти гуллаган 1880-йилларда Оврупода қиёсий-тарихий тилшуносликнинг янги даврини бошлаб берган ёш грамматикачилар мактабининг мавқеи ғоят кучайган ва даврнинг жуда кўп олимлари бу йўналишнинг таъсирига тушган бўлса ҳам, лекин у мазкур йўналиш таъсиридан ҳоли қолди. У умумий тилшунослик ва тил фалсафасининг отаси В.Гумбольдт йўлидан борди. Шунинг учун ҳам у, энг аввало, тил фалсафаси масаласига, тилни маданий, маданий-тарихий, психологик ҳодиса сифатида талқин қилишга асосий эътиборини қаратди.

А.А.Потебнянинг ўттиз йиллик илмий фаолиятини кузатиш асосида айрим муаллифлар унинг ижодини икки даврга бўладилар.

Биринчи даврида (1860-1865) А.А.Потебня В.Гумбольдт ва Г.Штейнталлар изидан бориб ва уларнинг асарларига ижодий ёндашган ҳолда, тилни фалсафий-психологик нуқтаи назардан тадқиқ қилишга эътибор беради. Бу даврда у тилшуносликда философ-психолог сифатида фаолият кўрсатади.

Иккинчи даврида (1865-1891) у ҳинд-оврупо тилшунослиги эришган ютуқлардан фойдаланган ҳолда, асосан, рус ва славян тиллари фонетикаси, грамматикаси ва диалектологиясини тадқиқ этиш билан шуғулланади.

А.А.Потебня бутун илмий фаолияти давомида асосий эътиборини тил ва тафаккур муносабатини тадқиқ этишга қаратди. Бу муаммо унинг бош мавзусига айланиб қолди.

А.А.Потебня дунёқарашининг шаклланишида В.Гумбольдтнинг шогирди Г.Штейнталнинг этнопсихологик назарияси катта таъсир қилди. Этнология назариясининг вакиллари В.Гумбольдтнинг “халқ руҳи” ҳақидаги ғоясидан илҳомланган ва уни ривожлантирган ҳолда халқнинг дунёқарашини ўз-ўзини англаш, “халқ руҳи”нинг негизи ҳисоблайди. Шунинг учун улар тилни “халқ руҳи”нинг ифодаланиши сифатида ўрганиш кераклигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, “халқ руҳи”, энг аввало, тилда, ундан сўнг эса урф-одатларда, анъаналарда, қўшиқларда намоён бўлади. Ана шу ғояга асосланган ҳолда, А.А.Потебня рус ва славян халқлари оғзаки ижоди асосларини ўрганишга алоҳида аҳамият берди.

А.А.Потебня инсон тафаккури меҳнат ва иккинчи сигнал системасининг фаолияти натижасида келиб чиққанлигини баён қилади. Унинг фикрича, инсон ҳайвонот оламидан, бир томондан, тафаккурини такомиллаштириш учун яратган сўзи орқали, иккинчи томондан, меҳнат қуроллари ясаш имкониятига эга бўлиш билан ажралиб чиқди. Шу хусусиятлари билан инсон бошқа жонзотларга нисбатан афзалликка эга.

Юқорида таъкидланганидек, А.А.Потебнянинг илмий дунёқарашининг шаклланишида В.Гумбольдт таъсири жуда катта. У “Тафаккур ва тил асаридаёқ В. Гумбольдтнинг “тил – халқ руҳи” деган ғоясини давом эттиради. Гарчи у В.Гумбольдтнинг “тилни халқ руҳига тенглаштириши қандайдир англашилмовчилик” эканлигини баён қилса ҳам, лекин руҳнинг тил билан боғлиқлигини, тилсиз руҳнинг мавжуд бўлмаслигини, чунки руҳнинг ўзи тил орқали пайдо бўлишини эътироф этади.

Шунингдек, В.Гумбольдтнинг “тил фаолият” эканлиги ҳақидаги ғояси ҳам А.Потебняга кучли таъсир қилди. Ана шу фикр А.А.Потебняга тилни узлуксиз ривожланишда, такомиллашишда эканлигини кўришда ёрдам берди.

В.Гумбольдтнинг “тушуниш-тушунмаслик” антиномияси ҳам А.А.Потебня томонидан ривожлантирилди. Бу ҳолат индивидуал психология назарияси билан узвий боғлиқдир. Бир нарсани сўзловчи ва тингловчи турлича тасаввур қилиши мумкин, натижада сўзлашувчилар ўртасида предмет образи турлича намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида **гул** сўзи орқали ифодаланган нарса бир қанча белгиларни ўзида мужассам этади. Бу белгилар, А.А.Потебнянинг фикрича, инсон олдин кўрган гуллар ҳақидаги тасаввурининг жами саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу белгилар ҳар бир индивидда бир-биридан фарқланадиган кўриш ва ҳис қилиш қобилияти билан, шунингдек, бу нарса ҳақидаги олдинги билимлари билан боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси объектив олам ҳақида баён қилинаётган ахборотнинг узатилиши ва қабул қилинишида сўзловчи ва тингловчи ўртасида маълум номувофиқликнинг, “тушунмаслик” элементининг пайдо бўлишига олиб келади.

В.Гумбольдт таълимотининг таъсири А.А.Потебнянинг лисоний ҳодисалар таҳлилига психологик ёндашувида кучлироқ кўринади. Тил фактларини индивид онгида рўй берадиган руҳий жараёнлар сифатида талқин қилишга ҳаракат А.А.Потебняга рус тилшунослигида илк бор тилни ўрганишга психологик ёндашувни олиб киришга имкон берди.

А.А.Потебня тадқиқотларида психологизмнинг қайси шакли – индивидуал ёки халқ психологияси нуқтаи назардан ёндашувдан қатъи назар, тил ва тафаккур, сўз ва тушунча, тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, тилнинг ва лингвистик белгининг моҳияти, сўзнинг ички шакли сингари умумий тилшунослик муаммолари бош мавзуга айланди.

А.А.Потебня В.Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли” ғоясини ижодий ривожлантирган ҳолда тилшуносликка “сўзнинг ички шакли” тушунчасини олиб кирди.

А.А.Потебнянинг “Тафаккур ва тил” ҳамда уч жилддан иборат “Рус тили грамматикаси бўйича қайдлар” асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Илк илмий асари бўлган “Тафаккур ва тил” китобида А.А.Потебня ўзининг келажакдаги илмий фаолияти дастурини аниқ белгилаб берди. Ҳозирги назарий тилшуносликнинг асосчиси В.Гумбольдт тилшуносликдаги психологик йўналишнинг асосчиси Гейман Штейнтал, шунингдек, тилшуносликдаги мантиқий йўналишнинг йирик вакили Карл Беккер ва бошқа Ғарбий Оврупо олимларининг асарларини таҳлил қилар экан, тилнинг келиб чиқиши, тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида қимматли маълумотларни берди.

У тил ва тафаккурнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, уларнинг муносабати бир бутунликни ҳосил қилиши, тилнинг тафаккур шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаши ҳақида фикр юритади.

А.Потебня талқинида тил ва тафаккур муносабати шундай кўриниш олади: 1) энг аввало тафаккур объекти, яъни объектив борлиқ нарсалари мавжуд. Бу тафаккур объектлари объектив олам предметлари ўртасидаги муносабатларни ҳам ўз ичига олади; 2) тафаккур объектидан ташқари тафаккур субъекти (шахслар, менинг ўзим) ҳам мавжуд. А.А.Потебня фикрича, инсоният тарихий тараққиётнинг ибтидоий даврида, ҳали инсон ўзини қуршаб турган оламдан ажралмасдан туриб, тафаккур объекти ва субъекти бир бўлган. Фақат кейинчалик “миф даври олами” тафаккур орқали ўзини қуршаб турган оламни акс эттира бошлаган.

А.А.Потебня талқинига кўра, тафаккур жараёни субъектнинг ташқи олам объектларини билиш фаолиятининг намоён бўлишидир. Бу жараёнда сезги аъзоларимиз таъсирига берилган нарсаларнинг

объективлик ва субъективлик синтези сифатидаги образи пайдо бўлади. Сезги образи тафаккурнинг дастлабки шакли бўлиб, ҳам субъективлик, ҳам объективлик хусусиятига эга. Субъективлик хусусияти шундаки, ҳар бир субъект предмет образини ўзича яратади. Объективлиги шундаки, у сезги аъзоларимизга таъсир қилган предметнинг муҳим белгилари асосида ҳосил қилинади. Ана шу субъектив моментларининг мавжудлиги сўзлашувчилар ўртасида бир-бирини тушуниш имкониятини яратади.

А.А.Потебня бир қатор лисоний ҳодисаларни изоҳлашда психологизм йўлидан боради. Хусусан, сўзнинг пайдо бўлишини инсоннинг объектив борлиқ унсурларининг таъсирига (соғлиқ, очлик каби) жавоб тариқасидаги рефлектив сезгиси билан боғлайди.

Унинг фикрича, сўзнинг пайдо бўлиши мураккаб жараён. Энг аввало, у сезгининг товушлар ёрдамидаги оддий акс этиши. Масалан, бола оғриқ таъсирида беихтиёр “вой” деган товушлар комплексини чиқаради. Кейин товушларни англаш жараёни, яъни бу товушлар комплексини бошқалардан эшитган бола уни ўзи талаффуз қилган товуш комплексига ва бундай товуш комплексини талаффуз қилишга сабаб бўлган оғриққа боғлайди. Энди бола “вой” ундовидан сўз ҳосил қилиш учун уни айтиш билан бошқаларнинг ёрдамга келишини, айтайлик, она боласининг оғриғига сабабчи бўлган нарсани йўқотишга шошишини билиши керак.

А.А.Потебня лингвистик концепциясида “ички шакл” тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Бу тушунча В.Гумбольдт олға сурган “тилнинг ички шакли” ғояси асосида пайдо бўлган бўлиб, А.А.Потебня унга янги мазмун берди.

Объектив борликдаги предмет турли хил белгиларга эга ва бу белгилар турли сезги органлари томонидан ҳис қилинади. Бу предметнинг турли муҳим белгилари бирлашиб, фикрий барқарор катталикни ҳосил қилади ва катталиклар асосида предметнинг умумлашган образи намоён бўлади. Предметнинг умумлашган образида унинг қайсидир белгиси етакчилик қилади. Бошқа барча белгилардан етакчилик қилувчи белги **образ маркази** ҳисобланади. Ана шу образ маркази, А.А.Потебня фикрига кўра, *ички шакл* саналади. Масалан, **стол** сўзи орқали ифодаланган предмет бир неча белгиларга: ҳажм, шакл, ранг, нимадан ясалганлик, уч ёки тўрт оёқлилик ва бошқа белгиларга эга. Демак, бу белгилар шу предметнинг образини ташкил қилади. Лекин унинг номи образ марказига – номланиш учун асос бўлган белгига, шу нарсанинг ёйилиш (“стлать”) белгисига қараб келиб чиққан. Бошқача айтганда, *стол* образи кўп белгиларга эга. Аммо *стол* сўзи унинг “ёйилиш” белгисига таянган ҳолда пайдо бўлган. Шунинг учун ҳажми, шакли, материали хилма-хил бўлишидан қатъи назар, у ҳар қандай столни ифодалайди. Демак А.А.Потебня сўзнинг ички шакли деганда муайян нарсанинг бир қанча белгиларидан унинг номланиши учун асос бўлган белгини тушунади. Унинг фикрича, сўз нарсага хос бўлган барча белгиларни акс эттира олмайди, у фақат бу белгилардан биттасини номлайди. Масалан, **кунга боқар** сўзи орқали ифодаланган предмет ранг, ҳид, ҳажм, шакл ва бошқа қатор белгиларга эга. Лекин бу сўз унинг битта белгисига – кунга боқишига асосланган. Ана шу *сўзнинг ички шакли*, бошқача айтганда, **образ маркази** саналади.

А.А.Потебнянинг таъкидлашига кўра, ҳар қандай сўз пайдо бўлган пайтда ўз ички шаклига эга бўлади. Даврлар ўтиши билан бир қатор сўзлар ички шаклини йўқотади. Унинг ички шакли ҳақида фақат тахмин қилинади. Масалан, **дуб** нима учун айнан шундай номланган? Чунки бу сўз жуда қадимий бўлиб, ички шакли йўқолган. Шу билан бирга, ички шаклини йўқотган сўзлар ҳозирги давр учун ўлик ҳам эмас. Чунки бундай сўзлар бир қатор ясалмаларнинг ҳосил бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

Олинма сўзлар ҳам олишга асос бўлган тилда ички шаклга эга бўлса ҳам, лекин бу сўзни олган тилда ички шаклни йўқотади. Масалан, хитой сўзи ҳисобланган **чой** ўзбек тилида ички шаклга эга эмас. Шундай бўлишига қарамасдан *чойхўр*, *чойлашмоқ* сингари ясамаларга асос бўлиб хизмат қилади.

А.А.Потебнянинг таъкидлашича, фақат мустақил сўзларгина ички шаклга эга бўлмайди. Ёрдамчи сўзлар ҳам қачонлардир ички шаклга эга бўлиб, кейинчалик бу шакл йўқолиб кетган. Унинг фикрига кўра, ички шакл тушунчасини фақат лексик сатҳ бирликлари учунгина эмас, балки тилнинг барча сатҳлари, хусусан, грамматик категориялар ва синтактик бирликлар учун ҳам қўллаш мумкин.

А.А.Потебнянинг **ички шакл** ҳақидаги қараши *тасаввур* тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Унинг фикрича, ундовлардан бошқа ҳар қандай сўзда фикр ҳаракати икки фикрий комплекснинг қиёсланишидан ташкил топади: бири янги англанаётган, иккинчиси олдин англанган, онгда тайёр ҳолда мавжуд бўлган фикрий захира. А.А.Потебня бу фикрни лотинча **cardus**, русча **корова** сўзлари мисолида изоҳлаб беради. Унинг таъкидлашича, ҳар икки тилда бу сўзларнинг образ маркази “шохлилик” белгисидир. Демак, латинлар ва руслар молни билгунга қадар шохли ҳайвонлар ҳақида билим захирасига эга бўлган. Янги англанаётган ва олдин англанган нарсалар ўртасидаги қиёслаш учун асос бўлган белги лотинча tertium comparationis, яъни учинчи қиёс, бошқача айтганда, икки қиёсланаётган нарсалардаги умумий бўлган учинчи катталик дейилади. Бунда билиш жараёни қиёслаш жараёнидир. Янги англанаётган нарсанинг номи учун асос бўлган белги, яъни tertium comparationis *тасаввур* саналади.

А.А.Потебня талқинига кўра, тафаккур фаолияти бир қанча босқичлардан иборат: сезги аъзоларимизга таъсир қилаётган нарса нарсанинг сезгимизга берилаётган муҳим белгиси (ички шакл) нарсанинг умумлашган образи тасаввур апперцепция (тафаккурнинг биринчи акти) ҳукм (тафаккурнинг асосий шакли) тушунча (ҳукмлар йиғиндиси). Кўриниб турибдики, А.А.Потебнянинг ҳукм ва тушунча ҳақидаги талқини ҳозирги диалектик ва формал мантиқдаги ҳукм ва тушунча ҳақидаги талқиндан тубдан фарқ қилади. Унинг талқинига кўра, мия фаолиятининг олий шакли тушунча саналиб, у ҳукмлардан ташкил топади. Формал ва диалектик мантиқда эса, аксинча, тушунча ҳукм таркибидан ажраладиган алоҳида тафаккур шакли сифатида изоҳланади.

Тафаккур жараёнида апперцепция ҳам алоҳида босқич саналиб, **нутқ** жараёнида сўз ифодалаган тасаввурнинг ўзгаруви ва сўзнинг янги иккиламчи тасаввур билан боғланиши апперцепция ҳисобланади. Бу ҳақда мисол тариқасида Чичиков томонидан сотиб олинган ўлик жонлар рўйхати келтирилади. Ундаги ҳар бир фамилия ва кишиларнинг касб-кори бутун бир микро оламни кўз олдимизга кетиради.

А.А.Потебнянинг лингвистик концепциясида сўз ва унинг маъноси муаммоси муҳим ўрин эгаллайди.

А.А.Потебня сўзни тилнинг муҳим бирлиги эканлигини эътироф этган ҳолда, уни товуш ва маъно томонлари бирлигидан ташкил топган бутунлик сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, сўз ташқи ва ички томонга эга бўлиб, ташқи томондан товушланиш, ички томондан маъно ва тасаввурларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади [2.141].

Кўринадики, А.А.Потебня талқинида ҳар қандай сўз истисносиз уч элементдан: биринчидан, қисмларга бўлинувчи товушлардан (усиз сўзнинг бўлиши мумкин эмас), иккинчидан, тасаввур (белги); учинчидан, маънодан ташкил топади [2.123]. Масалан, агар бола тарвузни *тўп* сўзи билан номласа, юмалоқлик белгиси бу сўзнинг *маъно белгиси* (знак, значение) бўлиб хизмат қилади. Унинг фикрича, маъно ва тасаввур бир-бирига мос келмайди. Маъно тасаввурдан кенг. Образ тасаввурдан олдин туради. Маъно эса сезги образини ҳам бирлаштиради. Сўзнинг нисбатан кенг маъноси унга нисбатан торроқ бўлган тасаввурдан узилишига ҳаракат қилади ёки тасаввур ва маъно ўртасида номувофиқлик кучаяди. Охир оқибат бу номувофиқлик шу даражага етадики, маъно таркибидаги бошқа белгилар қаторида тасаввур асос бўлган белги номуҳим бўлиб қолади. Бу тасаввурнинг йўқолиши саналади. Тасаввурнинг йўқолишининг бош сабаби сўз маъноси таркибидаги тасаввурга асос бўлган белгининг номуҳим бўлиб қолишидир.

А.А.Потебня рус тилшунослиги тарихида илк бор сўзнинг шакли ва маъноси ўртасидаги муносабатни фалсафий нуқтаи назардан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, тилнинг тарихий тараққиёти натижасида дастлабки образ йўқолиши ва бунинг натижасида янги сўзнинг пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай сўз янги маънога эга бўлиши билан бирга, янги тасаввурни ҳам ҳосил қилади. Шунинг учун ҳар қандай сўз ташқи шакл (товуш томони), мазмун (товуш томони орқали ифодаланган объектив борлиқ томони) ҳамда ички шакл, яъни сўзнинг яқин этимологик маъносига эга бўлади.

А.А.Потебня сўз маъносини икки турга – объектив ва субъектив маъноларга бўлади. У объектив маънони сўзнинг яқин этимологик маъноси деб ҳисоблайди. Объектив маъно, А.А.Потебня фикрича, доимо битта белгига асосланади. Субъектив маънода эса белгилар сони кўп бўлади.

А.А.Потебнянинг ички шакл ҳақидаги қараши даврлар ўтиши билан ўзгариб борди. Дастлаб ички шакл сўзнинг этимологик маъноси ва тасаввурга синоним сифатида талқин қилади. Кейинчалик эса ички шакл билан тасаввурни бир-биридан чегаралайди, ички шакл деганда сўзнинг яқин маъносини ва бир қанча маънолар йиғиндисини, тасаввур деганда эса сўз орқали ифодаланган нарсанинг битта белгисини тушунади. Ички шакл сўзда доимо сақланса, тасаввур унутилиши мумкин.

А.А.Потебнянинг сўз маъноси ҳақидаги концепциясида яқин ва узоқ маъно тушунчалари ҳам диққатга сазовордир. Объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисанинг бир қанча белгиларидан номланишга асос бўлган битта белгисини билдирувчи маъно объектив маъно, ёки яқин маъно дейилади.

Инсон объектив борлиқни ҳаётий тажрибаси, билими, дунёқарашига боғлиқ равишда турлича идрок қилади. Объектив оламдаги нарса ва ҳодисани ифодаловчи сўзга айнан бир хил мазмун юклайдиган икки шахсни топиш мумкин эмас. Сўз мазмунида ҳар бир индивиднинг қандайдир субъектив моменти бор. Айни пайтда сўз маъносида нутқ жараёнида бир тилда гаплашувчи кишиларнинг бир-бирларини тушунишини таъминлайдиган умумий маъно ҳам бор. Ана шу ҳамма учун бир хил тушуниладиган маъно сўзнинг яқин маъноси саналади. Унинг фикрича, яқин маъно халқона (народно), узоқ маъно эса шахсий, ҳар бир индивиднинг сўзга юклаган субъектив маъноси. Агар сўздан субъектив маъно соқит қилинса, ҳар бир сўзда ташқи шакл (товуш томони) ҳамда ички шакл (яқин маъно) қолади.

Кўринадики, А.А.Потебня яқин маъно деганда, икки нарсани тушунади: сўз орқали ифодаланган нарсанинг бир қанча белгиларидан ном учун асос бўлиб қолган битта белгиси, яъни сўзнинг этимологик маъноси. Лекин бундай маъно сўзда доимо сақланавермайди. Даврлар ўтиши билан у билинмай кетади; у

сўзнинг тил эгалари томонидан бир хил тушунадиган умумий, халқчил маъноси, яъни субъектив маънодан ҳоли бўлган тил бирлиги, лексема сифатидаги маъноси, бу маъно сўзда доимо сақланади.

А.А.Потебнянинг сўз ҳақидаги таълимоти ўзига хослиги билан диққатни жалб қилади. У сўзнинг тил системасидаги ўрнини эътиборга олмайди. Унинг фикрича, сўз гап таркибида бошқа сўзлар билан боғлангандагина муайян маъно касб этади. Сўзнинг гап таркибидаги синтактик функциясининг ва бунга боғлиқ равишда морфологик шаклининг ўзгариши унинг янги маънога эга бўлишига олиб келади. У "сўз маъносидаги энг кичик ўзгариш ҳам бу сўзни бошқа сўзга айлантиради", -дейди [3.15].

А.А.Потебнянинг таъкидлашига кўра, сўз фақат гап таркибида бошқа сўзлар билан муносабатда ўзининг хусусиятини намоён қилади. Алоқадан узиб олинган сўз ўлик саналади. У бундай ҳолатда ўзининг лексик хусусиятини ҳам, морфологик хусусиятини ҳам кўрсата олмайди. Муносабатлардан ташқаридаги сўз сўз эмас, ичи бўш товушлардир [3,42].

Шуни таъкидлаш керакки, солим ўзнинг моҳиятини бошқа сўзлар билан алоқаси орқали белгилаш билан тилнинг система эканлиги ҳақидаги ғояга келади. Унинг фикрича, тил ҳар бир элементи бошқаси билан муносабатда бўлган системадир. Тилшуносликнинг вазифаси ана шу муносабатни аниқлашдан иборатдир [3,34]. Ҳар қандай тилнинг луғат таркибида жуда кўп сўзлар бор. Шундай бўлишига қарамасдан, тилдаги барча сўзларни тушунамиз. Бу тил системасида муайян ҳолда, муайян тартиб мавжудлиги сабабли мумкин бўлади.

А.А.Потебня сўзнинг кўп маънолилигини тан олмайди. Сўзнинг ҳар бир янги маъносини янги сўз деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, фақат бир хил товуш томонига эга бўлган бошқа-бошқа сўзларгина мавжуд. Кўринадики, у полисемияни рад этган ҳолда, фақат омонимияни эътироф этади.

А.А.Потебнянинг тилшунослик олдидаги катта хизмати лексик ва грамматик маъноларни бир-биридан фарқлашдадир. Унинг фикрича, сўз икки маънога эга бўлади. Масалан, *уй* сўзи "*яшаш жойи*" лексик маъносини ифодалашидан ташқари, бош келишик, бирлик шаклидаги от маъносига ҳам эга. Биринчи маънони у хусусий ва лексик, иккинчи маънони эса умумий ва грамматик маъно ҳисоблайди. Шунга кўра тилдаги барча сўзларни икки гуруҳга бўлади: а) лексик маъноли (мустақил) сўзлар, б) грамматик маъноли (ёрдамчи) сўзлар.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, А.А.Потебня грамматик шакл, грамматик категория, сўз туркумлари талқинига катта аҳамият беради.

А.А.Потебня грамматик шаклнинг семантик-синтактик тушунча эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мавжудлиги ва вазифаси маънога қараб белгиланмайдиган шакл йўқ. Шунинг учун шаклни ташқи белги, яъни товуш билан аралаштирмаслик керак [3.56]. Шакллар миқдори маънонинг формал оттенкалари миқдори билан белгиланади. А.А.Потебнянинг таъкидлашича, қаратқич келишигининг ҳар бир янги қўлланилиши янги келишикни ҳосил қилади. Бу билан лексик сатҳдаги кўпмаънолилик, полисемиянинг бўлишини инкор қилиш концепцияси грамматик сатҳга ҳам кўчирилади. У грамматик шаклга ўз нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, шакллилик грамматик шаклга эга бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай тилга ҳос хусусият эканлигини баён қилади.

Грамматик категория, А.А.Потебня фикрига кўра, сўзнинг лексик маъноси билан боғлиқ. Чунки сўзнинг лексик ва шаклий маъноси бир тафаккур актини ҳосил қилади. Грамматик ва лексик маънолар тадқиқотчи томонидан сўз тадқиқот объектига айлантирилгандагина бир-биридан ажратилади. Сўзлаш жараёнида эса улар бир бутун ҳолда бўлади.

А.А.Потебнянинг грамматик шакл ҳақидаги қарашларининг муҳим жиҳати яна шундаки, у грамматик шаклнинг муайян шароитида товуш ифодасига эга бўлмаслиги мумкинлигини кўрсатади.

Бундай ҳолларда грамматик маъно ташқи шаклга (ташқи таянч нуқтага) эҳтиёж сезмаслиги, у бу шаклсиз ҳам кучли эканлиги, бошқа нозик воситалар ёрдамида, хусусан, сўзнинг нутқ жараёнидаги эгаллаган ўрнини билиш ёрдамида идрок қилинади [3.66]. Бу шуни кўрсатадики, А.А.Потебня талқинида грамматик шакл сўзнинг нафақат шаклий воситалари, балки унинг синтактик алоқалари ёрдамида ҳам ифодаланади. Грамматик шаклни семантик ва синтактик элементларнинг синтези сифатида тушуниши А.А.Потебнянинг грамматик шакл ҳақидаги қарашларини грамматик шакл фақат аффикслар ёрдамида ифодаланади деган замондош тилшунослар қарашларидан тубдан фарқлаб турар эди.

Унинг таъкидлашича, грамматик шакллар тилда қатъий системани ҳосил қилади. А.А.Потебнянинг ютуғи шундаки, у грамматик шаклни системадан ажралган алоҳида сўз орқали эмас, балки бошқа шундай шаклга эга бўлган сўзга зидлаш, қиёслаш орқали тушунтиради. Хусусан, рус тилидаги *кончил* сўзиниг "тугалланганлик" маъноси шу сўзнинг "тугалланмаганлик" маъносига эга бўлган *кончал* сўзига қиёслагандагина маълум бўлади. Демак, грамматик шакл сўзнинг бир шаклини бошқасига зидлаш орқали ажралиши ҳам мумкинлиги кўрсатилади.

А.А.Потебня сўз туркумлари ҳақида ҳам қимматли фикрларни баён қилади. У сўзни тарихий, динамик категория эканлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам сўз тарихий тараққиёт жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтганлиги кўрсатилади. Унинг таъкид-

лашича, сўз тил тараққиётининг илк босқичида от, сифат, феъл сингари шаклий фарқланишларга эга бўлмаган. Ибтидоий сўз фақат бир белгини ифодалаган. Бундай сўзни у сифатдош деб тахмин қилади ва бу сўзда феъл ва исм (от,сифат,сон)ларга хос грамматик категорияларнинг синкретизми мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Кейинчалик сифатдошдан исмлар ва феъллар ажралиб чиққан. Сифат ва от исмлардан ажралиб чиққанлиги учун улар бир-бирига жуда яқин. Уларнинг яқинлиги қачонлардир бир асосдан келиб чиққанлиги билангина эмас, балки ҳар иккаласи ҳам белгини билдириши билан белгиланади. Масалан, *ёрқин қуёш* деганда ёрқинлик белгиси қуёшнинг ўзида мавжуддир. Лекин сифат фақат белгинигина эмас, балки нисбатланмаган (аслий), масалан, оқ; ва нисбий (оталарча) сифат (качество)ларни ҳам билдиради.

Сифатларни муайян вазифага хосланишига кўра атрибутив (белый снег) ва предикатив (снег бел, бумага бела) турларга ажратади. Кўринадики, рус тилидаги сифатларни бундай турга ажратишда морфологик ва синтактик асос бор.

А.А.Потебня феълнинг сифатдошдан келиб чиққанлигини, унинг характерли белгиси белгини замон нуқтаи назардан ифодалашини, сифатдошдан предикативликка хосланиш хусусияти билан фарқланишини баён қилади. От ва феъл равишдошдан бир вақтда ажралганини таъкидлайди.

У сўз туркумларини ажратишда кўпроқ синтактик позициясига эътиборини қаратади. Хусусан, равишни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратар экан, унинг характерли белгиси сифатида белгининг белгисини билдириши ва ҳол вазифасида келишини таъкидлайди. Сифатдош билан белгининг белгиси мослашмаган ҳолда ифодаланишини баён қилади.

А.А.Потебня инфинитивларни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратади. Унинг таъкидлашича, инфинитив феълнинг қадимийроқ шакли бўлиб, олдин отлик хусусиятига эга бўлган, кейинчалик ўзининг субстанциясини йўқотса ҳам, лекин феъл билан қўшилиб кетмаган.

А.А.Потебня сўзларнинг ўзаро муносабатига кўпроқ эътибор қаратади. Чунки тилнинг ҳақиқий реаллиги нутқ жараёни деб қарайди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида синтаксис масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Морфология муаммолари ҳам синтаксисга боғлиқ равишда ҳал қилинади.

Гап бўлакларини тайинлашда сўз туркумларига таяниш лозимлиги, бу категориялар бир-бирини тақозо қилишини, грамматик категориялар тарихи гап тарихи билан алоқадор эканлигини таъкидлайди.

Гапнинг муҳим белгиси сифатида предикативлик эътироф этилади. Предикативлик деганда эса кесимнинг эга билан боғланиш қобилияти тушунилади.

Предикативликни ташувчи муҳим бўлак кесим саналади. Шунинг учун гапда кўп ҳолларда эга тушиб қолиши мумкинлиги, лекин кесимнинг ҳеч қачон тушиб қолмаслиги, кесимсиз гап бўлмаслиги баён қилинади. Потебнянинг бу фикри бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу ғоя ҳозирги ўзбек тилшунослари томонидан ўзбек тили материаллари асосида ривожлантирилмоқда. Кесим учун хосланган энг муҳим сўз туркуми тусланган феъл, яъни verbum finitum эканлиги, шунинг учун унинг ўзи ҳам энг кичик гап ҳисобланишини, феълнинг аниқланиши минимум гапнинг аниқланиши, бошқа барча сўз туркумлари ва гап бўлаклари унга бўлган муносабатларига кўра белгиланиши баён қилинади.

Бу фикрлар асосида француз тилшуноси Л.Теньернинг гап структураси тугунлар шажарасидан ташкил топади деган концепцияси А.Потебнянинг гап маркази ҳақидаги қарашининг натижаси, дейиш мумкин.

А.Потебня гапни тарихий феномен эканлигини эътироф этган ҳолда тил тараққиётининг кўп босқичли (стадиал) назариясини олға сурди. Хусусан, гапни тарихий нуқтаи назардан ўрганиб, унинг икки босқични босиб ўтганлигини айтади: 1) биринчи даври **отли** (от асосли) гаплар; 2) **феълли** (феъл асосли) гаплар. Унинг фикрича, *у овчи* типидаги гаплар қадимийроқ бўлиб, *овчи* феъл ва от белгисини билдирган составли кесимнинг бир қисмини ташкил қилади.

Шундай қилиб, А.А.Потебня тил структурасининг деярли барча сатҳ бирликлари бўйича фикр юритган буюк тилшунослардан биридир. Унинг бир қатор ғоялари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Адабиётлар:

1. Потебня А.А. Из лекции по истории словесности.- Харьков, 1894
2. Потебня А.А. Мысль и язык.- Харков, 1913
3. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. 1-2. -М., 1958
4. Березин Ф.М. История лингвистических учений.- М., 1979

Андижон давлат университети
2011 йил 5 сентябрда қабул қилинган